

Оламлар Роббиси ҳузурида қадри юксак зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам



12:09 / 02.11.2019 3685

Одам алайҳиссаломдан то қиёматгача Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўтарилган мартабага ҳеч бир инсон ета олмайди. У зот мана шундай олий мақом соҳибидирлар.

Аллоҳ таоло яратган халоиқнинг афзали - Одам фарзандларидир. Одам алайҳиссалом зурриётларининг афзали - мусулмонлардир. Мусулмонларнинг афзали - анбиё ва расуллардир. Анбиё ва расулларнинг афзали - сабру матонатли беш расуллардир. Ушбу сабру матонатли беш расулларнинг (барчаларига Аллоҳнинг саломи бўлсин) ҳам энг афзали - Муҳаммад алайҳиссаломдирлар.

Оламлар Роббиси ва барча халоиқнинг Холиқи бўлган Аллоҳ азза ва жалла Муҳаммад алайҳиссаломни қай даражада иззат-икром қилганини ва у зот алайҳиссаломнинг қадр-қиммат ва мартабаларини қай даражада юксак этганини ҳамда у зот алайҳиссалом ва умматларигагина ато этган хос фазл-марҳаматини билган инсоннинг Муҳаммад алайҳиссаломга бўлган эҳтироми, иймон нури ва муҳаббати зиёда бўлаверади.

Аллоҳ таоло Ҳабибимиз Муҳаммад алайҳиссаломга хос қилган хусусиятлар, фазилат ва ҳурмат-эҳтиромлар жуда ҳам кўп бўлиб уларнинг қамровини Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзигина билади. Бу ўринда ана шу хусусиятларнинг айримларини муфассал ва яна айримларини мухтасар ҳолда баён этамиз. Ушбу хусусиятлар билан танишиб чиққан ҳар бир мусулмон банда ўзида Муҳаммад алайҳиссаломга уммат эканлигидан фахр-ифтихор туйғусини ва бундан ташқари бу юксак мақомга муносиб бўлиш масъулиятини ҳис этади. Ғайридинлар эса охири замон пайғамбари ва у зот алайҳиссалом умматларининг хусусиятларидан хабардор бўлгач, инсоф қилганлари Аллоҳ таолонинг фазли билан иймон келтирсалар ажаб эмас.

Агар мусулмонлар динларини юксалтиришда, суюкли расулларини инсонларга танитишда бепарво бўлишса, залолат эгалари ва ботиллик тарғиботчилари инсонларга исломни нотўғри талқин этиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга лойиқ бўлмаган сифатларни бўҳтон қилиб тажовуз қиладилар. Шундай экан, бу борадаги илм омонат, уни соф ҳолда сақлаб, кейинги авлодга етказиш фақат уламоларнинг эмас, Муҳаммад алайҳиссаломга умматман, деган ҳар бир мусулмонга вожиб бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай инсон эканликлари, Аллоҳ азза ва жалла у зот алайҳиссаломни қандай иззат-икром қилганини бошқа яқинларимизга ва бутун инсонларга маълум қилишимиз лозим.

Муҳаммад алайҳиссаломни ўз умматларига танитишдаги ушбу ожизона уринишимизни Аллоҳ таоло қабул қилиб, йўл қўйган хато-нуқсонларимизни Ўз фазли ила мағфират қилишини, ушбу битилганлар барча инсонларга ва хусусан мусулмонларга манфаатли бўлишини Аллоҳ таолодан дуо қилиб қоламиз. Аллоҳ таоло барчаларимизни Муҳаммад алайҳиссаломга муносиб уммат бўлишимизни насиб этсин!

Роббимиз азза ва жалла Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнигина хослаб иззат-икром қилган, шарафлаган хусусиятлар қуйидаги қисмларга бўлинади:

- дунё ва охирада у зот алайҳиссаломга тегишли бўлган ва бошқа анбиёлардан хосланган Аллоҳ таолонинг иззат-икроми;

- дунё ва охирада у зот алайҳиссаломнинг умматлари борасидаги Аллоҳ таолонинг эҳтироми;

Ушбу қисмларнинг аввалгисига тегишли бўлган хусусиятларини баён қилишдан бошлаймиз.

Қадр кечасидан кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд кунлари улуғроқ ва шарафлироқдир.

Қадр кечасини Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тухфа қилиб берди. Тухфанинг қадри баландми ё тухфа қилинган зотнингми? Албатта тухфадан кўра тухфа қилинган зотнинг қадри юксакдир.

Қадр кечаси фақат мусулмонлар учун бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча халоиқ учун раҳматдирлар. Фақат мусулмонлар учун бўлган тухфа улуғми ё барча халоиқ учун тухфа қилинган раҳматми? Шубҳасиз, барча халоиққа берилган раҳмат афзал.

Ашаддий кофир Абу Лаҳаб у зотнинг таваллудларига кўрсатган ҳиммати хурсандчилиги эвазига ўша кунда дўзахдан озод қилиниб турса, иймонли ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббатли кишининг бу кунни хурсандчилик қилиб нишонлашига бериладиган ажр-у савоб қандай бўларкин?

Дилшод Солиҳов